Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 3 МАЙ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 91 (13.154)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2016 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасини 2016 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш глобал иқтисодиётда инқирозли ҳолатлар ҳамон давом этаётган ва иқтисодиётнинг ривожланиши суст кечаётган, жаҳонда нархларнинг пасайиши кузатилаётган, экспортбоп кўплаб асосий товарларга нисбатан ташқи тўловга лаёқатли талаб камайиб бораётган бир шароитда амалга оширилди.

Шундай бир шароитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш учун мавжуд захира ва имкониятларни жалб этишга доир кўрилган чора-тадбирлар самарасида жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди.

I. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва мамлакатни модернизация қилишни чуқурлаштириш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш

2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида шу йилнинг биринчи чорагида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш таъминланди.

2015 йилнинг биринчи чорагига нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,5 фоиз ўсди. Макроиқтисодий барқарорлик давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицити, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси ва 2 фоизли инфляция даражаси ҳисобидан таъминланди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоиз ўсди ва ялпи ички маҳсулот таркибида 36,1 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,7 фоиз, чакана товар айланмаси ҳажми 12,8 фоиз, қурилиш пудрат ишлари 19,4 фоизга кўпайди.

Хомашё ва ярим фабрикатларни чуқур қайта ишлаш асосида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли замонавий ишлаб чиқаришларни фойдаланишга топширишни жадаллаштириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида инвестициялар ҳажми 8,5 фоиз ўсди. Жорий йилнинг биринчи чорагида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар таркибида марказлаштирилмаган инвестициялар нисбатан катта ҳажмни (умумий ҳажмнинг 80,7 фоизи) ташкил этди. Шунинг 34,2 фоизи хўжалик субъектларининг ўз маблағларидир.

Замонавий хизмат турларини, аввало, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида жадал ривожлантириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши самарасида хизматлар ҳажми 12,1 фоиз кўпайди, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилнинг шу давридаги 59,3 фоиз ўрнига 59,5 фоизга етди.

Ўзбекистон Республикасини 2016 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(2015 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	107,5
Саноат	107,0
Чакана савдо айланмаси	112,8
Қурилиш ишлари	119,4
Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми	108,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	106,7
Жами хизматлар	112,1

Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 2015 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 14,4 фоиз ўсди ва 732 миллион доллардан ортиқни, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 563 миллион долларни ташкил қилди. Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ўзлаштирилган маблағлар ҳажми 14,3 фоизга кўпайди.

Жорий йил бошидан буён Инвестиция дастури доирасида 368 янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди, умумий қиймати 76,4 миллион долларлик 12 та йирик ишлаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилди. Хусусан, "Мейлисой кони қурилиши", "Жиззах пластмасса" акциядорлик жамиятида полиэтилен плёнка ва қувурлар, "Ангрен" махсус индустриал зонасида чарм-галантерея буюмлари, "Жиззах" махсус индустриал зонасида шиша толасидан иссиқлик изоляция буюмлари, кенг турдаги электр қурилма ҳамда электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш шулар жумласидандир. Шунингдек, "Бухородонмаҳсулотлари" ва "Навоийдонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятлари тегирмонларида энергия тежайдиган ускуналар ўрнатиш ҳисобидан техник қайта жиҳозлаш ишлари ҳамда бошқа қатор лойиҳалар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда)

Бандлик дастури – амалда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



МУТАХАССИСЛАР УЧУН БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ

"Ўзэкспомарказ"да "JobFair–2016" тўққизинчи ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Тадбир MyJob.uz ишбилармонлик тармоғи ва "Карьера+" газетаси таҳририяти томонидан ташкил этилди.

Ўқув муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Масалан, 2015 йилда 908 мингдан зиёд иш ўрни яратилиб, касб-ҳунар коллежларининг 480 мингдан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди. Бўш иш ўринлари ярмаркалари ёшларга ўзи учун муносиб иш топиш, иш берувчиларга малакали мутахассисларни танлаш имконини бераётир.

Ярмаркада "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ucell", "Beeline", "UMS", "Artel", "Лукойл Ўзбекистон Оперейтинг компани" масъулияти чекланган жамияти, "Arktika Bottlers" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси, "IMZOAKFA", "Ўзэлектроаппарат-Электрошчит" акциядорлик жамияти, "Avtotest" каби 70 дан зиёд етакчи фирма ҳамда компаниялар 500 дан ортиқ бўш иш ўрнини таклиф этди. Интернет-оператор ва IT компаниялар, тижорат банклари, меҳмонхона ва ресторан бизнеси, мамлакатимиздаги хорижий компаниялар ваколатхоналари ҳам бўш иш ўринларини тақдим этди.

Ярмарка мамлакатимизда ахборот тизимларининг кенг жорий этилаётгани ва телекоммуникация инфратузилмаси жадал ривожланиб бораётгани туфайли меҳнат бозорида ахборот технологиялари бўйича мутахассислар, жумладан, дастурчилар, лойиҳачи ва муҳандисларга талаб юқори эканидан далолат беради.

– Ҳар қандай ташкилотда юқори малакали мутахассисларга талаб катта, – дейди ЎзА мухбирига Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази хизматларни тарғиб қилиш бўлимининг биринчи тоифали мутахассиси Гулноза Ўролова. – Бугунги кунда жамоамизнинг 80 фоиздан ортиғи ижодкор ва ташаббускор ёшлардан иборат. Сафимизни веб-дастурчи, таҳлилчи, веб-дизайнер каби мутахассислар билан тўлдиришни мақсад қилганмиз. Ярмарка бу ерга келганлар орасидан ўз ишини яхши биладиган мутахассисларни танлаб олиш имконини беради.

Асосан ёшлардан иборат ярмарка иштирокчилари бу ерда меҳнат бозори ҳақида маълумот олиш, суҳбатдан ўтиш ва ишга кирмоқчи бўлган компанияга ўз резюмесини қолдириш, шунингдек, тажриба орттириш ҳамда иш берувчиларнинг талаблари тўғрисида ахборот олиш имкониятига эга бўлди.

– Телекоммуникация компанияларининг таклифи ҳамда инглиз тилини билиш талаб этилган бўш иш ўринлари эътиборимни тортди, – дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг дастурий инжиниринг факультети талабаси Сардор Шарипов. – Иш танлашда билим ва кўникмаларимни такомиллаштириш учун яратилган имкониятларга ҳам эътибор бераман.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олиш мақсадида 2-6 май кунлари "JobFairOnline – 2016" онлайн-ярмаркаси ҳам ўтказилади. Унда www.jobfair.uz интернет портали орқали иштирок этиш мумкин.

М.ҚАРШИБОЕВ

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ҚАДРИЯТ, ЭЪТИБОР, ЭЪЗОЗ

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан "Қадрият, эътибор ва эъзоз" деб номланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ташкил этилган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, актёрлар, маънавият тарғиботчилари, талабалар иштирок этди.

Билим юрти бошлиғи Х.Маматов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аждодларимиз хотираси улуғланиб, эзгу ишлари давом эттирилаётганини таъкидлади.

Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган, халқимизнинг тинчлиги ва озодлиги учун курашган инсонларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ улар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Тадбирда кексаларни эъзозлаш халқимизнинг эзгу қадрияти экани, юртдошларимиз Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага катта ҳисса қўшгани таъкидланди. Ёшларга бобо-момоларимизнинг урушда ва фронт ортида кўрсатган матонати, бугунги дориломон кунларга эришишда тинчлик ва осойишталикнинг аҳамияти тарихий мисоллар асосида тушунтириб берилди.

* * *

В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ўтказилган тадбирга ёндош маҳаллаларда истиқомат қилаётган нуроний отахон ва онахонлар, педагоглар, ўқувчи-ёшлар таклиф этилди.

– Боболаримизнинг жасорати, матонати, фидокорона меҳнати туфайли биз бугун ёруғ, тинч ва осойишта, бахтли ҳаёт кечирмоқдамиз, – дейди академик лицейнинг 9-синф ўқувчиси Шамшод Исаев. – Бугунги тадбирда "Шодиёна", "Гул фасли" сингари мумтоз куй-қўшиқларни ижро этиб, уларнинг кўнглини кўтарганимиздан хурсандмиз. Аждодларимизга муносиб фарзанд бўлиш, тинч ва фаровон кунларимизнинг қадрига етиш – бизнинг бурчимиз.

Тадбирда ўзбек ва жаҳон композиторларининг асарларидан намуналар янгради.

Н.УСМОНОВА, Г.САТТОРОВА, ЎзА мухбирлари

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззахда Ўзбекистон Республикасининг "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонуни 10-, 14- ва 16-моддаларининг Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳлил фаолияти тартибида ўрганиш якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

• "Оилалар саодати – мустақиллик самараси" республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган танловда унинг қуйи босқичларида юқори натижа қайд этган 13 оила вакиллари иштирок этди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган олий таълим муассасалари талабалари театр студиялари фестивалининг Бухоро вилояти босқичи якунланди.

• Андижонда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш ҳамда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарда давлат органлари томонидан тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айниқса, солиқ тўловлари бўйича имтиёзлардан унумли фойдаланиш, очиқ-ошкораликни таъминлашда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаол иштироки юзасидан фикр алмашилди.

ЖАҲОНДА

• Гаити қирғоғи атрофида кичик елканли кеманинг ҳалокатга учраши натижасида 20 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди.

• Эстонияда 6 минг нафардан ортиқ ҳарбийлар иштирокида НАТОнинг машқ йиғинлари бошланди.

• Хитой шарқидаги Чанчжоу шаҳрида уч ёшли болакай кўп қаватли бинонинг ўн бешинчи қаватидан тушиб кетди ва тирик қолди. Воқеа бола яшайдиган уйда балкон ойналари алмаштирилаётган пайтда содир бўлган. Она ошхонага чалғиган пайт болакай очиқ балкондан пастга қулаган. Ёмғирдан сўнг юмшаб қолган ерга юз томони билан тушгани учун бола мўъжиза сабаб тирик қолган. Агарда у 15 сантиметр нарига йиқилганда асфальтга тушган бўларди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2016 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни амалга ошириш давомида шу йил бошидан буён 632 ишлаб чиқариш қуввати, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари (228 объект), қурилиш материаллари (215), тўқимачилик буюмлари, кийим-кечак ва чарм маҳсулотлари (91), мебель маҳсулотлари (45), кимё ҳамда пластмасса маҳсулотлари (26), машина ва ускуналар (18), фармацевтика маҳсулот ҳамда препаратлари (9) ишлаб чиқарадиган корхоналар ишга туширилди.

Таркибий ўзгаришлар жараёнларини чуқурлаштириш ва саноат тармоқларини диверсификация қилиш натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида саноат маҳсулотлари кўпайишининг қарийб 80 фоизи ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари ҳисобидан таъминланди. Жумладан, кимё маҳсулотлари ҳамда пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш суръати 29,4, озиқ-овқат маҳсулотлари 14,9, тўқимачилик буюмлари, кийим-кечак ва чарм маҳсулотлари 14,6, фармацевтика маҳсулотлари ҳамда препаратлар 12,8 фоиз ошди.

Автомобиль бензини, аммоний сульфати, натрий нитрати, сеялкалар, марказдан қочирма насослар, цемент клинкерлари, шакар, арпа ёрмаси, гилам ва гилам буюмлари, трикотаж кийимлар, провитамин ҳамда витаминлар, дорилармон ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди. Хусусан, йил бошидан буён тайёр тикувчилик-трикотаж буюмларининг 18 янги тури ва 24 модели, 38 турдаги қандолат, консерваланган мева-сабзавот ҳамда гўшт-сут маҳсулотлари, 26 номдаги дори препаратлари ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида 534 лойиҳа бўйича қиймати 981,3 миллиард сўмлик ёки 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунда импорт ўрнини босиш самарадорлиги 345 миллион доллардан ошди.

2016 йил бошидан буён маҳаллийлаштирилган 37 турдаги янги маҳсулот, жумладан, нефт-газ-кимё ускуналари ҳамда конвейер ускуналарининг эҳтиёт қисмлари, арматура, автомобиллар спидометри, спорт тренажёрлари, болалар велосипед ва самокатлари, электр сув иситиш мосламалари ҳамда бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Шу йилнинг ўтган даврида 2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида 2,3 мингдан зиёд объект барпо этилди. Бунинг натижасида кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,1 фоиз, хусусан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 10,2, молия хизматлари 22,9, соғлиқни сақлаш хизматлари 14, автотранспорт хизматлари 15,7, савдо хизматлари 13,1 фоиз кўпайди.

Энергия сарфини камайтириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий қилиш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш доирасида шу йилнинг биринчи чорагида иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича йилига 280 миллион кВт/соат электр энергияси, 26 минг Гкал иссиқлик энергияси ва 3,6 миллион куб-метр биогаз ишлаб чиқариш кўзда тутилган манзилли тадбирлар ишлаб чиқилди.

Умуман, ишлаб чиқариш қувватларини технологик янгилаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳамда энергия самарадорлигини оширишга доир кўрилган чоралар натижасида жорий йил биринчи чорагида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ўртача 9,4 фоиз қисқартиришга эришилди.

II. Иқтисодиётнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш

Экспортбоп асосий товарларга нисбатан ташқи бозор конъюнктураси ёмонлашиб, нархлар пасайиши давом этаётган бир шароитда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг ташқи бозордаги ўрнини сақлаш мақсадида 2016 йилнинг биринчи чорагида ташқи бозорда харидоргир маҳсулотлар ҳажми ва турини кенгайтириш, уларнинг рақобатдошлигини ошириш ҳамда экспортга етказиб бериш географиясини диверсификация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жорий йил бошидан буён қиймати 270 миллион долларлардан зиёд маҳсулотларни экспортга етказиб берадиган 583 янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, 95 турдаги янги товарлар экспорт қилинди, 20 янги бозорга экспорт маҳсулотлари етказиб берилди.

Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан мева-сабзавот экспорт ҳажми (1,2 баробар), қора металл прокати (1,9 баробар), молибден маҳсулотлари (11 баробар), мис қотишмаси (1,8 баробар), аммоний сульфати (1,7 баробар), суперфос (2,6 баробар), полиэтилен ҳажми (31 баробар) ўсди.

Кичик бизнес корхоналарига ўз маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида Маҳсулотлар экспортига кўмаклашиш бюроси томонидан жорий йил бошидан буён 398 корхонага маслаҳат хизмати кўрсатилди, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш, аккредитация, маҳсулот экспорти, халқаро ва давлатлараро талабларни жорий этиш бўйича 29 халқаро шартнома тузилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси 250 тадбиркорлик субъектига қиймати 250 миллион доллардан зиёд маҳсулотларни экспортга чиқаришга ёрдам кўрсатди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари "Ўзтадбиркорэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси орқали қиймати 150 миллион доллардан ортиқ ўз маҳсулотини экспорт қилди.

Ҳўл мева ҳамда қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтириш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги секторининг экспорт салоҳиятидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралдаги 2492-сонли ва 2016 йил 7 апрелдаги 2515-сонли қарорларига мувофиқ, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси ҳамда"Ўзагроэкспорт" ташқи савдо компанияси ташкил этилиб, юртимизда етиштирилган мева-сабзавотларни экспортга етказиб бериш бўйича уларнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгиланди.

Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг биринчи чораги якуни бўйича экспорт қилинган товар ҳамда хизматлар умумий ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 100,1 фоизни ташкил қилди.

III. Муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш

Жорий йилнинг биринчи чорагида йўл-транспорт, ишлаб чиқариш ва ахборот-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш борасидаги ишлар фаол давом эттирилди.

2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурини амалга ошириш доирасида шу йил бошидан буён 20 километрдан зиёд темир йўл участкалари қайта тикланди, Ангрен-Поп электрлаштирилган янги темир йўл линиясини барпо этиш ва Поп-Қўқон-Андижон участкаларини электрлаштириш, "Самарқанд-Бухоро темир йўл линиясини электрлаштириш ва юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи ташиш поездлари қатновини ташкил этиш" лойиҳаси доирасида Бухоро вокзалини қуриш, шунингдек, Навоий-Конимех-Мискин темир йўл линияси ва Қандим газни қайта ишлаш заводига олиб борадиган темир йўл қуриш учун ер полотноси ётқизиш ишлари амалга оширилди.

Жорий йил бошидан буён 2013-2020 йилларда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурига кўра, замонавий технологиялар асосида 500 километрдан зиёд кенг полосали оптик-толали тармоқлар барпо этилди ва захирага олинди. Ягона интерактив давлат хизматлари порталини модернизация қилиш ва кенгайтириш ишлари давом эттирилди.

Натижада давлат ахборот ресурслари сони 317 тага етди, давлат органлари ахборот тизимлари 484 тадан ошди, 270 турдаги интерактив хизматлар жорий этилди. Ягона интерактив давлат хизматлари порталига давлат ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимиятининг 990 органи, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари уланган. Шу йил бошидан буён Ягона портал орқали 520 мингдан зиёд хизмат кўрсатилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,8 мартани ташкил этди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жой қуриш дастурига мувофиқ, жорий йил биринчи чорагида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича 13 мингта янги якка тартибдаги шинам уйлар қурилиши ва бу массивларни замонавий инфратузилма ҳамда бозор инфратузилмаси объектлари билан таъминлаш ишлари бошланди.

Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида 2,1 миллион квадрат метр, жумладан, қишлоқ жойларда 1,4 миллион квадрат метр уй-жой, шунингдек, 205,2 километр, жумладан, қишлоқ жойларда 162,3 километр сув қувурлари барпо қилинди.

IV. Хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат иштироки улушини босқичма-босқич камайтириш

Иқтисодиётда давлат иштирокини янада камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарасида шу йилнинг биринчи чорагида хусусий секторга қиймати қарийб 216 миллиард сўмлик инвестиция мажбуриятини қабул қилиш шарти билан 178 давлат объекти сотилди.

Акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида 6 йирик акциядорлик жамияти устав фондидаги давлат улушининг 15 ва ундан кўп фоиз ҳажми, жумладан, қўшимча акцияларни муомалага чиқариш орқали хорижий инвесторларга сотилди.

Амалга оширилган чоралар натижасида устав фондида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари сони биринчи чоракда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,8 баробар, яъни 378 дан 209 тага камайди.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагида Корпоратив бошқарув кодекси тасдиқланди, 244 акциядорлик жамияти томонидан замонавий корпоратив бошқарув талабларига мувофиқ уставлар ва бошқа ички корпоратив ҳужжатлар қабул қилинди.

2016 йилнинг биринчи чорагида тадбиркорлик фаолияти ва кичик корхоналар ташкил этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес субъектларига 3,6 триллион сўмлик кредит ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 марта кўпроқ, жумладан, 773 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди, халқаро молия институтларининг 40 миллион долларга яқин кредит линиялари ўзлаштирилди. Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузуридаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси кўмагида қиймати 10 миллиард сўмлик 16 лойиҳа молиялаштирилди.

Жорий йил бошидан мамлакатимиз туман ва шаҳарларида тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш "ягона дарча" марказлари 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатиш бўйича "E-ijro" идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш орқали фаолият бошлади. Ҳисобот даврида "ягона дарча" марказлари орқали 23 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатилди.

Хусусий тадбиркорликка товар ва хомашё бозорларидан фойдаланишнинг кенгайтирилиши туфайли Республика товар-хомашё биржасида давлат харидлари бўйича ўз товар ва хизматларини етказиб берувчи сифатида рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 11 фоиз кўпайди, давлат харидлари иштирокчилари умумий сонида уларнинг улуши 98,3 фоизни ташкил қилди.

Қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар шу йилнинг биринчи чорагида 8,4 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъекти, уларнинг асосий қисми саноат ва қурилиш соҳасида (30,8 фоиз) ташкил қилинди. Бу эса, ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес улушини 2015 йилнинг биринчи чорагидаги 41,7 фоиздан 43,1 фоизга, саноатда 32,6 фоиздан 37,3 фоизга, инвестицияларда 31,5 фоиздан 40,2 фоизга, экспортда 20,9 фоиздан 24,4 фоизга, бандликда 76,7 фоиздан 77,1 фоизга ошириш имконини берди.

V. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишни давом эттириш ва таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш

2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш давлат дастури ижроси доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 150 километрдан зиёд коллектор, 35,5 километр ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 3 вертикал дренаж қудуғи, 24 кузатув қудуғи, 1 гидротехник иншоот барпо этилди. 2,9 минг километр коллектор-дренаж тармоғи тозаланди. Пудрат ташкилотларига умумий қиймати 40 миллиард сўмлик 140 та мелиорация техника ва ускуналарини лизинг асосида етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди.

Қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ этиш ва ривожлантириш дастурига мувофиқ, жорий йилда пахта майдонлари 30,5 минг гектар қисқартирилди. Пахтадан бўшаган ерлар ҳисобга олинган ҳолда, асосий экин майдонларига, 172,6 минг гектарга сабзавот, 86,3 минг гектарга картошка ва 26,3 минг гектарга полиз экинлари экилди. 5,2 минг гектар майдонда янги интенсив боғлар барпо этилди, 5,7 минг гектар майдондаги боғ ва 3,2 минг гектар токзор реконструкция қилинди, 163 гектар майдонда 4264 иссиқхона ташкил этилди.

Мева-сабзавотларни сақлаш бўйича моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида 10,5 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун 16 янги совутиш камераси ташкил этилди.

Натижада шу йилнинг биринчи чорагида 53,1 минг тонна сабзавот (2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 110,6 фоиз) етиштирилди. Йил бошидан буён 95,1 минг тонна мева-сабзавот экспорт қилинди.

Чорвачилик тармоғи салоҳиятини янада юксалтириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида жорий йил бошидан буён қорамол ва паррандаларни кўпайтириш, балиқчилик ҳамда асаларичилик хўжаликларини ривожлантириш бўйича 664 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Бунинг самарасида шу йилнинг биринчи чорагида қорамоллар сони 11,5 миллиондан ошди (2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 105,8 фоиз), 425,8 минг тонна гўшт (106,1 фоиз), 12,7 минг тонна балиқ (110 фоиз), 1 594,8 минг тонна сут (106,4 фоиз), 1 180,4 миллион дона тухум (106,7 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

VI. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 167,4 мингта иш ўрни яратилди. Уларнинг 57,7 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Янги ташкил этилган иш ўринларининг 12,9 мингтаси саноатни модернизация ва диверсификация қилиш дастурларини амалга ошириш, 14,7 мингтаси муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй қуриш дастурини ҳаётга татбиқ этиш, 66,4 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, 36,7 мингтаси қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва ер участкаларини оптималлаштириш дастурларини бажариш, 36,7 мингтаси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобидан ташкил қилинди.

2015-2016 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилиш ва уларни кейинчалик мазкур корхоналарга ишга жойлаштириш кўзда тутилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Касб-ҳунар коллежларининг 387 минг битирувчилари билан тўрт томонлама – "коллеж-корхона-битирувчи-ҳоким" шартномалар тузилиб, кейинчалик иш билан таъминлаш мақсадида амалиёт ўташи учун улар 150 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотга бириктирилди.

Таълим жараёни ва тиббиёт хизмати сифатини янада юксалтиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида жорий йил бошидан буён таълим ва тиббиёт муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, уларни зарур инвентарлар билан жиҳозлаш учун қиймати 221 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди (2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 113,9 фоиз).

VII. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида шу йилнинг биринчи чорагида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, мустаҳкам, соғлом ва аҳил оилани шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Тиббиёт хизмати сифатини янада юксалтириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимининг амбулатория-поликлиника бўғинини мустаҳкамлаш, замонавий даволаш ва ташхис қўйиш ускуналарини жорий этиш, аҳолига амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш ҳамда профилактика тадбирларини кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Халқаро ташкилотларнинг молиявий кўмаги билан мамлакатимиз клиникаларида туғма ривожланишида нуқсонлари бўлган 44 та ва туғма юрак хасталиги билан туғилган 10 та бола операция қилинди ҳамда соғломлаштирилди. 155 минг нафардан зиёд бола бошқариладиган 12 инфекцияга қарши эмланди. 14 ёшгача фарзанди бўлган 1120 оилага, 2 ёшгача фарзанди бор 8460 оилага, шунингдек, 2310 кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатиш белгиланди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ушбу мақсадларга жами қарийб 1,3 триллион сўм йўналтирилди.

2016 йилнинг биринчи чорагида иқтисодий ривожланишнинг юқори ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, салбий ташқи ўзгаришларга муваффақиятли қарши туриш ҳамда жорий йилда иқтисодиётимизнинг 7,8 фоиз даражасидаги прогноз ўсиш суръатларига эришиш учун салмоқли захира ва имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 15 январдаги мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида белгилаб берган ва хом ашё ресурсларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз аҳолисининг тадбиркорлик даромадларини кўпайтириш учун кенг имкониятлар яратишга қаратилган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини изчил рўёбга чиқариш келгуси йилларда иқтисодиётимиз барқарорлигини янада оширишни таъминлаш борасида муҳим вазифалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамкорлигида "Парламент назорати институти: ҳуқуқий асослари ва амалга ошириш истиқболлари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари мутасаддилари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Н.Умаров ва бошқалар жорий йил 12 апрелда кучга кирган "Парламент назорати тўғрисида"ги қонун мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуришни изчил амалга ошириш, давлат бошқарувида парламентнинг ролини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини ошириш, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат функцияларини кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

"Парламент назорати тўғрисида"ги қонун парламент назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Унда парламент назорати субъектлари, объекти, амалга ошириш шакллари, субъектларнинг мажбуриятлари, парламент назорати натижалари аниқ қилиб белгилаб қўйилган.

– Мамлакатимиздаги парламент назорати шакли халқаро андозаларга тўлиқ мос келади, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Ёқубов. – "Парламент назорати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилинишида 20 дан зиёд ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилди.

Давра суҳбатида партия сайловолди дастуридаги вазифалар ва электорат манфаатларини рўёбга чиқаришда парламент назоратидан самарали фойдаланиш, янги қонуннинг мазмун-моҳиятини партия ҳудудий бўлимлари ва кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК – ДЕМОКРАТИЯ МЕЗОНИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан "Очиқликни таъминлаш: самарали ҳуқуқни қўллаш амалиёти" мавзуида семинар ўтказилди.

Депутатлар, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, давлат органларининг ахборот хизмати раҳбарлари иштирок этган тадбир Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунини амалиётда қўллаш самарадорлигини оширишга қаратилди.

Қуйи палата Спикери ўринбосари С.Отамуратов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси истиқлол йилларида сўз эркинлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини амалга оширишга доир изчил ишларнинг мантиқий давоми эканлигини таъкидлади.

Семинар иштирокчилари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги мониторингини олиб бориш ва уни баҳолаш методикаси билан таништирилди. Қонуннинг ижросини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилди.

Тадбирда таъкидланганидек, ахборот ресурсларини ривожлантириш борасида олиб борилган комплекс чора-тадбирлар натижасида давлат идораларининг веб-сайтлари кўпайди. Уларнинг дизайни, ахборот сифати ва кўлами яхшиланиб, ҳамма кириши ва фойдаланиши учун имконият яратилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ва ахборот хизмати ходимларига мазкур қонун талабларини самарали қўллашга оид услубий тавсиялар берилди.

(ЎзА)

Тошкент солиқ коллежида "Солиқ билимлари – болаларга" анъанавий республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Танловлар

СОЛИҚ БИЛИМДОНЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ саводхонлиги ва қонунчилиги бўйича болалар нигоҳида илк кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида, кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол, ўз ҳуқуқ ва бурчларини биладиган фаол бўлиб камолга етишида муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилги танловда мамлакатимиздаги барча мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари фаол иштирок этди.

Улар, "Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири", "Солиқ мавзусининг ҳикояларда акс эттирилиши", "Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати" мавзуларидаги энг яхши иншо, "Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади" мавзуидаги энг яхши электрон тақдимот йўналишлари бўйича баҳслашдилар.

– Солиқ саводхонлиги ва маданияти шу тариқа ёшлар онгига сингдирилиб борилса, улар келажакда хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс сифатида юртимизнинг онгли солиқ тўловчисига айланади, — дейди Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизмати бош мутахассиси Мавлуда Чимберганова. – Шу билан бирга улар ўз мамлакатида таълим, тиббий хизмат имкониятларидан бепул фойдаланиш, кексайганда эса давлат пенсия таъминотидан тўла баҳраманд бўлиш замирида солиқлар ва солиқ тўловларининг аҳамияти беқиёс эканлигини тушуниб етадилар.

Дарҳақиқат, йил сайин танлов иштирокчилари сонининг ортиши танловнинг нечоғлик муҳим эканлигидан ва унга қизиқиш тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради. Зеро, бугунги ўсиб келаётган ёшлар эртанги солиқ тўловчилардир.

Танлов натижаларига кўра, якуний босқичда Тошкент солиқ коллежи ўқувчилари Муҳайё Тоҳирова, Руслан Яковлев, Хоразм вилояти Урганч шаҳридан 1-умумтаълим мактабининг биринчи синф ўқувчиси Сардор Салимов, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 12-меҳрибонлик уйининг саккизинчи синф ўқувчиси Моҳларойим Аҳмедова ғолибликни қўлга киритдилар.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

"НУРАФШОН" БОҒИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ





Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги "Нурафшон" маданият ва истироҳат боғи капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Президентимиз раҳнамолигида замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказлари барпо этишга қаратилаётган алоҳида эътибор аҳоли, айниқса, болажонларнинг мазмунли дам олишига хизмат қилаётир.

Пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турган мазкур маданият ва истироҳат боғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Open Garden" масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилди.

Умумий майдони 2 гектарни эгаллаган мазкур боғда йигирмадан ортиқ турли хил замонавий аттракционлар ўрнатилди, мавжудлари таъмирланди. Боғ ҳудудидаги майдон кўкаламзорлаштирилди ҳамда фавворалар бунёд этилди, сув сепиш мосламалари ўрнатилди.

Яхна ичимлик ва музқаймоқ билан савдо қиладиган кафе, фотостудия, савдо дўкони, стол тенниси, шахмат-шашка майдончалари аҳоли хизматида.

– Боғни каттаю кичик учун бирдай севимли ҳордиқ масканига айлантириш мақсадида янги ғоя ва ташаббуслар ишлаб чиқилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига боғ директори Сардор Исроилов. – Келгусида замонавий амфитеатр, мини футбол майдони, ҳайвонот бурчаги, теннис корти ва бассейн барпо этилади.

– Уйимиз ёнида шундай замонавий боғ барпо этилганидан хурсандмиз, – дейди Олмазор тумани "Ёшлик" маҳалласида яшовчи Ойсанам Эшмуродова. – Бугун фарзандларимиз билан мириқиб дам олдик. Бунёдкорлик ишларини кўриб кўзимиз қувнади.

Ш.МАМАТУРОПОВА

НОФИЛОЛОГИК ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида нофилологик йўналишлар учун инглиз тили бўйича билимларни баҳолаш ва ўқитиш тизимини модернизациялашга оид лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган видеоконференция ўтказилди. Унда мамлакатимиз ва Буюк Британия олий таълим муассасалари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замон талабларига мос, мустақил фикрли, хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган ёшларни камол топтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётир.

Муайян мутахассислик бўйича хорижий амалиётни чуқур ўрганиш учун чет тилларни яхши билиш талаб этилади. Бунинг учун мамлакатимизда таълим йўналишида фаол халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ёшларимиз хорижий мамлакатларда билимини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида кўплаб фанлар, хусусан, техникавий ва иқтисодий йўналишлар бўйича хорижий тилларда таълим берилмоқда, бу жараён янада кенгаймоқда.

Нофилологик йўналишлар учун инглиз тили бўйича билимларни баҳолаш ва ўқитиш тизимини модернизациялашга оид лойиҳа Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, университет ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацияви методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази ҳамда Британия кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида етти йил давомида олий таълим муассасаларида инглиз тили бўйича ўқув дастурлари тўлиқ ислоҳ қилиниб, билим ва кўникмалар даражасини баҳолаш тизими халқаро стандартлар даражасига етказилди.

Мазкур лойиҳа университетларда турли фанлар бўйича таълимни хорижий, жумладан, инглиз тилида олиб бориш борасида халқаро тажрибани ўрганишда мамлакатимиз ва чет эллик мутахассислар ўртасида ахборот алмашувини фаоллаштириш, кадрлар тайёрлаш йўналишида ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Анжуманда мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича узоқни кўзлаган дастурлар ёшларнинг замонавий билим олиши, етук мутахассис бўлиб етишиши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Ўзбекистон ёшларининг жаҳон стандартлари асосида таҳсил олиши йўлида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, мамлакатимизда дунёдаги кўплаб нуфузли университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият юритаётгани қайд этилди.

– Президент Ислом Каримов раҳнамолигида чет тилларни ўқитишга қаратилаётган алоҳида эътибор, бу борада яратилган мустаҳкам ҳуқуқий база соҳани такомиллаштиришга хизмат қилмоқда, – деди лойиҳа эксперти Род Болайто (Буюк Британия). – Ўзбекистонлик мутахассислар билан инглиз тилини ўқитишга оид қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириб келмоқдамиз. Мамлакатларимиз таълим муассасалари ўртасида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистонда чет тилларни ўқитиш тизимида ишлаб чиқилган дастурларга қатор мамлакатлар мутахассислари катта қизиқиш билдираётгани эътиборга молик. Мамлакатингиз ўқитувчиларининг касб малакаси юқорилиги ва хорижий тилларни пухта билишини алоҳида таъкидлашни истардим.

Видеоконференцияда инглиз тилини ўқитишни ислоҳ қилиш, нофилологик таълим дастурлари, бу борада янги лойиҳаларни амалга ошириш, чет тилларни турли соҳаларга йўналтирган ҳолда ўқитиш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш каби масалалар муҳокама қилинди. Олий ўқув юртлари билан халқаро миқёсда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, Ўзбекистон ва Буюк Британия олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ЁШЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

Пойтахтимизда "Соғлом она ва бола – жамият тараққиётининг асосий омили" мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ташкил этилган тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика "Оила" илмий-амалий маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими ходимлари ҳамда профессор-ўқитувчилар иштирок этди.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари А.Мавруловва бошқалар Президентимизнинг доимий эътибори самарасида мамлакатимиз ёшлари жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал салоҳиятли бўлиб вояга етаётганини таъкидлади.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур анжуманда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги вазифалар ҳақида сўз юритилди. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган қатор масалалар муҳокама этилди.

Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш, таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик усуллардан фойдаланган ҳолда таълим сифатини кўтаришга доир тавсиялар берилди.

Конференцияда "Соғлом она ва бола – мустаҳкам жамият асоси", "Соғлом оила муҳити омиллари", "Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашда репродуктив саломатликнинг тутган ўрни" мавзуларида маърузалар тингланди.

Г.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

Анжуманлар

КАДРЛАР МАЛАКАСИ ОШИРИЛМОҚДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги томонидан "Архивларда ва идоравий архивларда кадрлар масаласи: муаммо ва ечимлар" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда "Ўзархив" агентлиги бош директори А.Абдуллаев ва бошқалар бугунги кунда мамлакатимизда замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлаш масаласи Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти сифатида белгиланганлиги, бу борада республикамизда давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари, идора ва бошқа ташкилотлар томонидан кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг тизимли малакасини оширишга эътибор қаратилаётганлигини алоҳида таъкидлади.

— Агентлик томонидан архив муассасаларини билимли ва малакали кадрлар билан таъминлаш, соҳа бўйича лавозимларини ошириб борилиши, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда кадрлар қўнимсизлигининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мунтазам амалга оширилиб келинмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги бош директори Дилдора Кучарова. — Ўтказилаётган тадбирларнинг натижасида 2014 йилда Республика бўйича кадрлар қўнимсизлиги 30 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 5 фоиз камайганлигини кузатишимиз мумкин. Шунингдек, 2016 йилда ушбу кўрсаткичларни янада камайтириш учун тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Архив иши ва иш юритиш соҳаси мутахассисларини соҳага оид билимларини ошириш мақсадида марказий давлат архивлари қошида "Ижро назорати ва иш юритиш маҳорати" ҳамда "Идоравий архивлар фаолиятини ташкил этиш асослари" каби ўқув курслари мавжуд бўлиб, уларнинг базасида бугунги кунга қадар 3 мингдан ортиқ архивлар ва ташкилотларнинг архивчи ҳамда иш юритувчи ходимлари ўз малакаларини ошириб келмоқдалар.

Анжуман сўнгида муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари алоҳида муҳокама этилиб, ушбу йўналишдаги ҳуқуқий муносабатларни ривожлантиришга оид бир қатор таклифлар берилди. Журналистларнинг саволларига мутахассислар томонидан батафсил жавоблар қайтарилди.

Зафар НАЗАРОВ

Коммунал тўловлар: бурч ва масъулият

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Маълумки, шаҳримиз аҳолисининг катта қисми кўп қаватли уйларда яшайди. "Қимирлаган қир ошар", деганларидек бир-бирига ибратли ишлари билан елкадош бўлаётган кўни-қўшниларни кўрганда беихтиёр, қани энди коммунал тўловлар масаласида ҳам мана шундай бўлса, деб ўйлаб қоласан, киши. Бизни қийнаётган "қарздорлик" масаласи ҳал этилмагунча ишларимиз ўз-ўзидан юришиб кетмаслигини қайта-қайта тушунтиргимиз келади.

Яна қарздорлик. Қўлимизда мутасадди раҳбарлар томонидан юборилган маълумотлар. Хизматидан фойдаланиб, катта ҳажмдаги қарздорлиги бўлса ҳам тўлашни пайсалга солиб келаётган истеъмолчиларга айтар гапимиз битта: ахир инсоф ҳам керак-да. Аҳоли, корхона, ташкилотларга табиий газ, сув, электр қувватини узлуксиз етказиб бериш, чиқиндиларни вақтида олиб кетишнинг катта сарф-харажатлар ва куч талаб этиши ҳеч кимга сир эмас. Наҳотки, шуни била туриб, соҳа ходимларининг янада унумли ишлашларига ёрдам бериб, ўз вақтида қарзимизни тўламасак. Мана, танишинг, "Узумини еб, боғини суриштирма" қабилида иш тутаётган истеъмолчилар.

"Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти томонидан аҳолига кўрсатилган коммунал хизмат, яъни электр энергиясини етказиб беришнинг сифатли бажарилишини таъминлаш, кўрсатилаётган хизматлар учун аҳоли томонидан тўловларни ўз вақтида тўланиши юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин ҳамма истеъмолчилар ҳам кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширмаганлиги туфайли иш сифатини янада яхшилашнинг имкони бўлмаяпти.

Масалан, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 39-уй, 7-хонадондан Г.Сулаймонова — 1.258.500 сўм, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй, 10-хонадондан М.Ғуломов — 2.665.000 сўм, Сергели тумани, Қўйлиқ 6 м-в, 20-уй, 28-хонадондан Э.Абдуқаюмова — 1.339.200 сўм, Чилонзор тумани, 16-мавзе, 11-уй, 21-хонадондан Ш.Қосимова — 687.000 сўм, Мирзо Улуғбек тумани, И.Мўминов кўчаси, 7-уй, 37-хонадондан Ханазаров — 500.000 сўм қарз бўлса-да бамайлихотир юришибди.

"Тошиссиққуввати" ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси ҳам шаҳар аҳолисига иссиқлик ва иссиқ сув таъминотини вақтида етказиб бериб, мунтазам равишда хизмат кўрсатиб келмоқда. Бинобарин, аҳоли иссиқлик ва иссиқ сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловларни амалга ошириши лозим. Афсуски, улар ўз мажбуриятларини вақтида бажармаяптилар. Мисолларга мурожаат қиламиз, Яшнобод тумани, Тузел-3 мавзеси, 5-уй, 53-хонадондан С.Лисицына — 5.455.76 сўм, Тузел-2 мавзеси, 12-уй, 53-хонадондан С.Абдуллаев — 4.961.71 сўм, Авиасозлар-1 тор кўчаси, 22-уй, 52-хонадондан Х.Юсупова — 4.523.73 сўм, М.Улуғбек тумани, Марказ-1, 1-уй, 102-хонадондан З.Джаббарова — 11.776.27 сўм, М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 107-уй, 20-хонадондан М.Садиков — 4.667.89 сўм қарздор экан.

"Махсустранс" давлат ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан шаҳардаги маҳаллаларда, аҳоли ва ташкилотларда тозаликни таъминлаш мақсадида тасдиқланган йўналиш жадваллари асосида маиший чиқиндилар вақтида олиб чиқиб кетилмоқда. Кўрсатилаётган хизматларнинг янада сифатли бажарилишини таъминлаш учун албатта аҳоли тўловларни ўз вақтида тўлаши керак. Лекин афсус, ҳамма истеъмолчилар ҳам бундай қилмаяптилар.

Мисол учун, Юнусобод тумани,Ҳасанбой 6-тор кўчаси, 2а-уйдан Г.Каримова — 459.500 сўм, М.Улуғбек тумани, Феруза мавзеси, 20-уй, 40-хонадондан Д.Каримова — 156.000 сўм, Шайхонтоҳур тумани, Зафаробод кўчаси, 104-уйдан Ф.Миромоннинг қарзи — 242.300 сўмга етган.

Чилонзор тумани Г-35, 18-уй, 706-хонадондан А.Джураева — 384.400 сўм, Олмазор тумани, Пахта кўчаси, 33-уй, 8-хонадондан А.Каримоваларнинг қарзлари — 253.200 сўмни ташкил этмоқда.

"Сувсоз" давлат унитар корхонасида ҳам аҳвол шу. Аҳолига истеъмол қилинган ичимлик суви ва фойдаланилган оқава сув хизматлари учун тўловларни кечиктирмасдан амалга ошириш талаби қўйилган. Лекин, баъзи бир истеъмолчилар бу талабни бажариш ўрнига уни эшитмасликни лозим кўришмоқда. Лекин улар коммунал хизматларидан фойдаланиб, уларга ҳақ тўламаслик, салбий оқибатларга олиб келиши ҳақида ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Миробод тумани, Қўйлиқ даҳаси, 28-уйдан Л.Арипова — 1.464.000 сўм, Олмазор тумани, 2-Тансиқбоев, 1-уй, 31-хонадондан Д.Арипова — 392.000 сўм, Учтепа тумани, Чилонзор 31-мавзе, 8-уй, 69-хонадондан У.Пўлатов — 291.000 сўм, Юнусобод тумани 3-ТХАЙ 26-ер бўлаги М.Бабаханова — 497.000 сўм, Сергели тумани, 2-Сергели, 10-уй, 17-хонадондан Р.Зукуровнинг — 940.000 сўмга қарзи бор экан.

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси "Тошкентшаҳаргаз" филиали табиий газ истеъмоли учун қарздорлиги мавжуд аҳолидан вақтида тўловни амалга оширишни яна бир бора сўрайди, акс ҳолда табиий газдан фойдаланишларига йўл қўйилмайди.

Яккасарой тумани, Тадбиркор кўчаси, 28-уйдан Т. Гарипова — 4.101.980 сўм, Мерос кўчаси, 46а-уйдан Н. Маҳмудова — 4.355.289 сўм, Сирожиддинов кўчаси, 53-уйдан М. Мусаева — 3.193.193 сўм, Б.Ҳилолий тор кўчаси, 56-уйдан Н. Катанова — 4.000.504 сўм, Мерос кўчаси, 18а-уйдан В. Захарованинг — 4.651.113 сўм қарзи борлигини қандай баҳолайсиз?

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бугунги кун истеъмолчиси билан, яъни аҳоли билан мутасадди ташкилотлар вакиллари учрашув, давра суҳбати ва тадбирлар, керак бўлса ўзлари билан якка ҳолда ҳам тушунтириш ишларини олиб боришлари керак.

Биз қарздор истеъмолчиларнинг исм-фамилияларини бериш асносида фақат бир мақсадни кўзлаганмиз: зора қарздорларга инсоф берса, улар сафи кўпаймаса, ўзлари тушуниб, кўрсатилган хизмат учун вақтида тўловни амалга оширсалар. Шу ўринда одамлар ўртасида қулоққа чалинган бир-иккита гапларга ҳам жавоб бериб кетишни лозим топдик. Қонун олдида барча баробар. Шундай экан, биз юқорида кўрсатиб ўтган барча хизматлар фақат намунали тарзда ишлаяпти деган фикрдан йироқмиз. Айрим ходимларнинг ишига масъулиятсизлиги, бепарволиги, ортиқча ёзиб-чизишлар ҳақли тарзда истеъмолчиларнинг эътирозларига сабаб бўлаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Иш бор жойда камчилик бўлиши мумкин. Биз ҳар қандай ҳолатда ўз ҳақ-ҳуқуқимизни, қонунларимизни билсак ва унга амал қилсак, ўйлаймизки ҳеч қандай тушунмовчиликларга ўрин қолмайди. Сизга ортиқча тўлов қоғози келдими, ҳисоблагичда бошқа рақам, қўлингиздаги унга тўғри келмаяптими, дарҳол охирги тўлов қоғозини олиб, мутасадди ташкилотларга учранг. Қуйидаги ишонч телефонларига қўнғироқ қилинг.

- "Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти — 233-47-24,
- "Тошиссиққуввати" ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси — 245-95-44,
- "Махсустранс" давлат ишлаб чиқариш бошқармаси — 150-08-83,
- "Сувсоз" давлат унитар корхонаси — 150-69-66,
- "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси "Тошкентшаҳаргаз" филиали — 255-52-01, 255-60-60.

Ҳа:

Ҳисобли дўст айрилмас,
Қарздорнинг иши унмас.

Шундай эмасми?

Шаҳризода МУҲСИМОВА

Спорт янгиликлари

САРАЛАШ БОСҚИЧИГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНАДИ

Футбол бўйича 2018 йилда Россияда уюштириладиган жаҳон чемпионатига Осиё қитъаси терма жамоалари ўртасидаги саралаш турнирининг ҳал қилувчи учинчи босқичи бошланишига ҳам оз фурсат қолмоқда.

Жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг ҳал қилувчи босқичига йўлланма олган Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоамиз Австрияга борадиган бўлди.

Гап шундаки, миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг ҳал қилувчи учинчи босқичига 1-7 июнь кунлари Австрияда тайёргарлик кўради. Австрияда уюштириладиган ўқув-машғулот йиғини доирасида Канада терма жамоаси билан ўтказиладиган назорат-ўртоқлик учрашуви терма жамоамиз учун маҳорат мактаби вазифасини ўтайди. Ушбу беллашув 7 июнь куни бўлиб ўтади. Яқинда миллий терма жамоамиз бош мураббийси олий лиганинг 14 та клуби бош мураббийлари билан учрашди. Унда жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг иккинчи босқичида терма жамоамизнинг ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаганлигида олий лига клублари бош мураббийларининг ҳам ҳиссалари катта эканлиги эслатиб ўтилди. Жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг ҳал қилувчи босқичида терма жамоамизнинг муваффақият қозониши учун олий лига клублари бош мураббийларининг амалий ёрдамлари, таклифлари зарур эканлигини таъкидлар экан, Самвел Бабаян мундиал йўлланмаси учун нафақат мутахассислар, балки мухлислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари бирлашиши зарур эканлигига эътиборни қаратди.

Биз ҳам кўп минг сонли мухлислар номидан миллий терма жамоамизга омад ёр бўлсин, деймиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Шаҳримиз яна бир улкан ва нуфузли спорт мусобақасига мезбонлик қилди — бир ҳафта давомида "Ўзбекистон" спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича "Рио-2016" олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини берадиган катталар ўртасида Осиё чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди.



СОВРИНДОРЛАР САФИДАН ЎРИН ОЛИШДИ

Унда Жанубий Корея, Эрон, Филиппин, Қозоғистон, Ироқ, Индонезия, Мўғулистон, Сурия, Шри-Ланка, Ўзбекистон каби қитъанинг жами 32 мамлакатидан 300 дан ортиқ оғир атлетика усталари баҳс олиб борди. Яъни, Осиё чемпионатида аёллар 48, 53, 58, 63, 69, 75 килограммгача ва 75 килограммдан юқори вазнларда ғалаба учун кураш олиб борган бўлса, эркаклар Олимпиада лицензияларини қўлга киритиш мақсадида 56, 62, 69, 77, 85, 94, 105 килограммгача ва ундан оғир вазнларда бор маҳоратларини ишга солишди.

Қувонарли томони шундаки, ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистондан эркаклар ўртасида беш нафар спортчи иштирок этган бўлса-да, улардан Бразилияда ўтказиладиган ёзги олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган уч нафари ўз маҳоратлари даражасида иштирок этиб, яна совринли ўринларни эгаллашди. Яъни, энг оғир вазнда иштирок этган спортчимиз Руслан Нуриддинов даст кўтариш баҳсида олтин нишонни қўлга киритган бўлса-да, умумий ҳисобда иккинчи ўринга эгалик қилди.

105 килограммгача вазнда икки нафар спортчимизга омад кулиб боқди. Иван Ефремов умумий ҳисобда иккинчи, Сардорбек Дўстмуродов эса учинчи ўринни эгаллагани ҳолда Олимпия лицензияларига эга бўлиш шартини яна бир карра бажаришди. Аёллар ўртасидаги баҳсларда терма жамоамиз олимпиадада қатнашиш учун битта ўринни қўлга киритди. Шу кунга келиб, жами олти нафар спортчимиз оғир атлетика бўйича Олимпиадада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Биз ушбу спортчиларимизга Олимпиадада омад тилаб қоламиз.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
Алексей Попов олган сурат

АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ

Қарши шаҳридаги "Марказий" стадионда Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоалар маркази мутасаддилари "Насаф" футбол клуби раҳбарияти билан учрашув ўтказди.

Суҳбат давомида марказ вакиллари сўнгги йилларда "Насаф" таркибидан мамлакатнинг турли ёшдаги терма жамоаларига кўплаб иқтидорли ва умидли футболчилар жалб этилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, терма жамоага номзод футболчиларнинг жисмоний-функционал ҳолати доимий назоратда бўлиши ва бошқа зарур масалалар ҳақида мутахассислар керакли тавсияларни беришди.

Таъкидлаш лозим, Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафига Қарши клубидаги Элдор Суюнов, Шуҳрат Муҳаммадиев, Одилбек Ҳамробеков каби маҳоратли футболчилар мунтазам чақириб турилади. Бундан ташқари, "Насаф"да етишиб чиқаётган бир қатор истеъдодли ёшлар ҳам терма жамоага номзод спортчилардан саналишади.

Мўғулистон пойтахтида спорт курашлари бўйича Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган ёзги олимпия ўйинларига йўлланма берувчи халқаро мусобақа ўтказилди.

ЙЎЛЛАНМАЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА

Турнирнинг биринчи кун беллашувлари терма жамоамиз учун омадли якунланди. Юнон-рум кураши бўйича 59 килограммгача бўлган вазн тоифасида иштирок этган Элмурат Тасмурадов бронза медали билан бирга олимпиада лицензиясига ҳам эга бўлди. Ҳамюртимиз бу йўлда исроиллик Андрей Тсарюк, швециялик Фрунзе Харутюнян, польшалик Михал Траш, болгариялик Серафим Ангелов ҳамда грузиялик Равез Лашхини мағлубиятга учратди.

Шунингдек, 130 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида яна бир курашчимиз Мўминжон Абдуллаев ҳам спорт мухлисларини беҳад қувонтирди. Ёш, умидли вакилимиз бронза медалига сазовор бўлиш баробарида Бразилияга йўлланмани ҳам қўлга киритди. Ўзбекистонлик полвон энг муҳим баҳсда болгариялик Милослав Методиевни мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди.

Шу тариқа, юнон-рум кураши бўйича терма жамоамиз аъзолари қўлга киритган лицензиялар сони тўрттага етди. Бунгача жаҳон чемпионатида Рустам Ассакалов (-85 кг.), қитъавий турнирда Дилшод Турдиев (-75 кг) ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси йўлланмасига эга бўлишганди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Пойтахтимиздаги сув спортини ривожлантиришга ихтисослашган Республика марказида 2001 ва 2002 йилларда туғилган ва ундан кичик ёшдаги қизлар ва ўсмирлар ўртасида ватерпол бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

ПОЙТАХТЛИКЛАР ҒОЛИБ

Дастлабки тур ўйинларини Наманган ва Самарқанд вилояти ватерполчилари бошлаб берди. Ўйинда наманганликлар тўла устунлик билан — 27-0 ҳисобида зафар қучди. Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси билан шу туман термаси ўртасидаги беллашув эса 32-2 ҳисобида якунланди. Тошкент шаҳридаги олимпия ўринбосарлари болалар ва ўсмирлар Республика спорт мактаби ўсмирлари наманганлик тенгдошларини 13-6 ҳисобида мағлуб этди.

Шунингдек, пойтахт халқ таълими вазирлиги жамоаси "Germes Tristmedist" спорт клубини, Тошкент шаҳридаги олимпия ўринбосарлари болалар ва ўсмирлар Республика спорт мактаби Наманган вилояти сув спорти турларига ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ватерполчилари йирик ҳисобда мағлубиятга учратди. Мусобақада жами бўлиб 12 та сув спорти жамоалари иштирок этди.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтида "Божхона органлари томонидан контрабанда ва божхона қоидабузарликларига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Бугунги кунда божхона органлари томонидан божхона қонунчилиги бузилишларига, наркотик, психотроп моддалар, валюта бойликлари, миллий бойлик ҳисобланувчи бадиий, маданий-тарихий ва археологик мерос буюмлари, ақлий мулк объектларини республиканинг божхона чегараси орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига чек қўйиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Божхона соҳасида содир этилаётган жиноятлар нафақат давлат иқтисодиётига зарар етказади, балки инсонлар саломатлиги ва аҳолининг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришига ҳам хавф туғдиради. Контрабанда жиноятини содир этувчи шахслар жиноий мақсадларни амалга оширишда ҳаракатларни пухта ниқоблашга ва замонавий технологиялардан унумли фойдаланишга уринмоқдалар. Масалан, тезкор тадбир давомида аниқланишича, импорт қилинган товарлар учун тегишли божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш мақсадида товарлар кодини нотўғри классификациялаган ҳолда божхона қийматини пасайтиришга уринишган. Оқибатда давлат бюджетига салкам 350 миллион сўм миқдорида зарар етказилган. Ушбу ҳолат бўйича олиб борилган текширувлар натижасида 190,4 миллион сўм миқдорида қўшимча божхона тўловлари ундирилди.

Бу каби қоидабузилишларига қарши курашишда божхона органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш орқали иш самарадорлиги ошишига эришиш мумкин. Шу боис давлат божхона хизмати органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, божхона постларини божхона чегараси орқали ўтадиган товарларни тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобга олишни таъминлаш имконини берадиган замонавий сканерлаш ва махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Сўнгги йилларда божхона постларига 13 та катта ҳажмдаги юкларни комплекс назорат қилишга мўлжалланган сканер қурилмалари ва радиация назоратини амалга оширувчи 11 та радиацион портал мониторлари ўрнатилди. Улар ёрдамида божхона қоидабузарликларини аниқлаш имкони туғилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати бошлиғи Нурбек Мустафоев. – Жумладан, жорий йилнинг февраль ойида Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан "Яллама" чегара пости орқали республикамиз ҳудудидан транзит тарзида ўтаётган юк автомашинаси сканер қурилмаси орқали божхона кўригидан ўтказилганда унда божхона юк декларацияси ва йўл-юк кузатув ҳужжатларида қайд этилмаган қиймати 60 миллион сўмдан ортиқ 13 турдаги товарлар яширин равишда олиб ўтилаётганлиги фош қилинди.

Икки ёки ундан ортиқ давлат ўртасида товарларнинг чегараларо олиб ўтилиши, контрабанданинг олдини олиш ва бошқа қонунбузарлик ҳолатларини назорат қилиш борасидаги вазифаларни самарали бажаришда турли давлатларнинг божхона хизматлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда жорий йилнинг 21 апрелидан бошлаб кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Божхона кодексидаги мавзуга доир янги нормалар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Кодексга "Назорат остида етказиб бериш" деб номланган 11-бўлим киритилган бўлиб, божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни ва бошқа ашёларни назорат остида етказиб бериш тартиблари батафсил баён этилган.

Абдуалим САЛИМОВ

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, "SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, депутатлар, педагоглар, талабалар иштирок этди.

Университет проректори Ф.Аъзамов, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори В.Алимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббиёт ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар баркамол ва соғлом авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ўтказилган конференцияда ёш авлод саломатлигини таъминлаш, болаларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама рағбатлантириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида фикрлашилди.

Бу жараёнда кўплаб ижтимоий, инсонпарварлик, тиббий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, алоҳида эътиборга муҳтож, имконияти чекланган болалар учун кўрик-танловлар, фестивallар, ҳунармандлик ва фан тўгараклари ташкил этилиб, кенг имкониятлар яратилаётир.

Конференцияда оналик ва болаликни ижтимоий, тиббий, психологик ҳимоялаш, бу борада нодавлат нотижорат ташкилотлари, таълим муассасалари, тиббиёт масканлари ҳамкорлигини кучайтириш, алоҳида эътиборга муҳтож болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва жамиятга интеграциялашувига кўмаклашиш, оилалар фаровонлигини ошириш масалалари, илмий тадқиқотлар олиб боришнинг самаралари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари томонидан тайёрланган ҳунармандлик буюмлари кўргазмаси ташкил этилди.

ЁШЛАР ТИНЧЛИКНИ ҚАДРЛАЙДИ

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асраш мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши ёшлар сектори томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, профессор-ўқитувчилар, санъаткорлар, ёшлар иштирок этди.

Институт проректори Д.Раҳматуллаева ёшларда мамлакатимиздаги тинчлик-фаровонликни қадрлаш ҳисси ва асраб-авайлаш масъулияти кучайиб бораётганини таъкидлади.

– Жонли мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида фаол иштирок этиб, ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олдик, – дейди институт талабаси Мирфайз Баҳромов. – Огоҳлик нечоғли муҳим эканини, замонавий билимларни эгаллаб, маънавиятимизни бойитишимиз, ёт таъсирларга ҳар доим сергак туришимиз кераклигини янада чуқур тушуниб етдик.

Тадбирда ёшлар ўртасида соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни қўллаб-қувватлаш, уларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш тўғрисида фикрлашилди. Мавзуга оид видеофильм намойиш этилиб, талабалар томонидан тайёрланган ижодий ишлар кўргазмаси ташкил этилди.

(ЎзА)

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 4 май *куни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 12-14, кундузи — 24-26 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 4 майда *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-4227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 555
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10101 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 16.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5